

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЗОҚОВ АСЛИДДИН МЕХРИТДИНОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ВАТАНПАРVARLIK ДАРАЖАСИ
КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА
БАҲОЛАШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Узоков Аслиддин Мехритдинович

Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик тахлил
қилиш ва баҳолаш 3

Узоков Аслиддин Мехритдинович

Педагогический анализ и оценивание уровня показателей патриотизма у
студентов 25

Uzokov Asliddin Mexritdinovich

The pedagogical analiz end qualite control indicators patriotic studens 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЗОҚОВ АСЛИДДИН МЕХРИТДИНОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ВАТАНПАРVARЛИК ДАРАЖАСИ
КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА
БАҲОЛАШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped308 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида(www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тайланова Шохиза Зайниневна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги Ph.D.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30 декабр соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-й. Тел.: (0366) 239–12–29; факс: (0366) 239–17–14; e-mail: samdu_ped_kengash@mail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-й. Тел.: (0366) 239–11–51.

Диссертация автореферати 2020 йил «19 » декабр куни тарқатилди.
(2020 йил 19 декабр даги 1 - рақамли реестр баённомаси).

Х. И. Ибраимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(PhD)

Н.Шодиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг мағкуравий манзарасида аҳолининг турли қатламлари манбаатларини химоя қилувчи ғояларнинг шаклланишига зарур шароит яратишга эътибор бериш тенденциялари кузатилмоқда. XXI асрнинг мағкуравий майдонларидаги сиёсий рақобат ядро полигонларидан ҳам шиддатлироқ тус олаётганлигидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари талабаларининг сиёсий онгини ривожлантириш, улар қалбига ватанпарварлик, дахлдорлик туйғуларини сингдиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкил қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Дунёдаги ривожланган давлатлар халқаро рақобат шартларига кириб бораётган бир пайтда ижтимоий инфраструктураларда ёшларни юксак маънавий ахлоқли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш муаммоларини илмий-педагогик жиҳатдан тадқиқ қилиш масалалари етакчилик қилмоқда. Шунингдек, ёшларни мағкуравий таҳдидлардан асраш, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш каби ижтимоий-педагогик масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ижтимоий зарурат ватанпарварликка янгича қараш, муносабат, атрибутни тақозо этиши, илмий тадқиқотлар кўламида ёшларда ватанпарварлик феноменологиясини ривожлантириш муаммосининг ёритилиши, шахснинг ватанпарварлик даражаси сифатини квалиметрик таҳлил қилиш ва баҳолашга эҳтиёж пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манбаатларини химоя қилишга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир, ташаббускор, халқ манбаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиласиган, шиҷоатли мутахассис кадрларни етиштириш учун замин яратмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг ватанпарварлик даражасини ўрганиш, ўлчаш, квалиметрик таҳлил қилишни тизимлаштириш ва доимий коррекциялаш зарурати юзага келмоқда. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш чора-тадбирларида “юксак маънавиятли, қатъий ҳаётӣ позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада талабаларда ватанпарварлик даражасини педагогик таҳлил қилишнинг шарт-шароитлари ва амалиётини ривожлантириш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, олинган натижалар асосида ватанпарварликка оид ўқув курслари мазмунини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Карори.- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 20.08.2018 й., 33-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПФ- 5106- сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги 140-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги нутқи, “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, ”Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” каби асарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги 140-сонли қарори асосида шакллантирилган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди.

Жамиятимизда миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзликни англаш, Ватанга содиқлик туйғуларини шакллантириш муаммоларининг ечимини топиш масалалари республикамиз олимлари: Қ.Назаров, Н. Жўраев, Н.Комилов, М. Абдуллаев, М.Маҳмудов, М.Шарифхўжаев, А.Иброҳимов каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган бўлса, миллий маънавиятимизга хос бўлган ҳист-туйғуларни, ғурурни, ватанпарварликни ёш авлодда шакллантириш муаммоларининг психологик ва педагогик жиҳатларини Э.Ғозиев, В.Каримова, М. Қуронов, С. Носирхўжаев, М. Зарипов, О. Мусурмонова, Ш.Абдуллаева, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, Қ. Қурбонбоев, Н. Ортиқовлар тадқиқ этишган.

Фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласида ўзига хосликларни аниқлаш ва педагогик методлардан фойдаланиш муаммолари

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари: Вырщикова А.Н., М.Б.Кусмарцев, Ф.Е.Попов, В.И.Полякова, А.Ю.Конаржевский, М.В.Елизарова, М.М.Поташник, Л.И.Маленкова, А.В.Меренков, В.П.Савенко С.В.Матвеевалар томонидан ўрганилган.

Ёшларда ватанпарварлик тўйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш омилларининг психологик жиҳатлари хориж олимлари: Hartmann Ingo, Vincent Greney, Thomas Kellaghan, John Morgan, Wilcoxon Frederik, Morgan Georgelар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мазмун-моҳиятини замонавий шароитда тадқиқ қилиш алоҳида тадқиқот предмети сифатида танланмаганини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион қадриятли йўналишларини жорий этиш» (2012-2013 йй.) мавзусидаги инновация ва «Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари» (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

илмий-педагогик, социологик, фалсафий, тарихий манбаларни қиёсий-типологик ўрганиш асосида талабаларда ватанпарварлик даражасини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг шарт-шароитлари ва амалиётдаги ҳолатини илмий асослаш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш босқичлари ёш даврларига кўра малакавий талабларни белгилаш асосида аниқлаштириш;

талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича индикаторларни тарбиявий ишлар самарадорлигига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқиш;

ватанпарварлик даражасининг диагностик мезонларини ёшларнинг фуқаролик эътиқоди ва ҳарбий ватанпарварликка оид тестология кўрсаткичлари таркибини кенгайтириш асосида ишлаб чиқиш;

ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашга оид диагностик фаолият йўналишларини такомиллаштириш.

Тадқиқот обьекти сифатида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик даражасини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университетидаги 768 нафар талабалар жалб этилди.

Тадқиқот предметини олий таълим муассасалари талабаларидағи ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш мазмуни, шакли, йўллари, усул, восита, методлари ташкил этди.

Тадқиқот усуллари Тадқиқот жараёнида ўқув-илмий манбалар, ДТСдаги концептуал фикрларни таҳлил қилиш, ўрганиш, аналитик обзор каби назарий методлардан; квалиметрия, педагогик диагностика, тизимли кузатиш, сұхбат, интервью, сўровномалар, тестология; прогноз, тажриба-синов, математистатистик таҳлил каби эмпирик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлық руҳида тарбиялаш босқичлари ёш даврларига кўра малакавий талаблар (дастлабки тасаввурлар, масъулият, рухан ва жисмонан тайёрлик, етакчилик, интеллектуал салоҳият, соғлом турмуш тарзи)ни белгилаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича индикаторлар (дахлдорлик, фидоийлик, мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланиш) тарбиявий ишлар самарадорлигига уступорлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

ватанпарварлық даражасининг диагностик мезонлари ёшларнинг фуқаролик эътиқоди ва ҳарбий ватанпарварликка оид тестология күрсаткичлари (индикаторлари) таркибини кенгайтириш (тушунчаларнинг шаклланганлиги, фаолиятли-натижавий элементларни киритиш) асосида ишлаб чиқилган;

ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашга оид методик тавсиялардиагностик фаолият йўналишлари (тайёрлов, ташкилий, баҳолаш, ахборотлар ишлови ва таҳлили, педагогик консилиумлар) мазмунини ёритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларда ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича 32 та индикаторлар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида “Чакириққача ҳарбий таълим” ўқув курси, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг мазмунини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг ватанпарварлық күрсаткичларини баҳолаш индикаторларини интенсив қўллаш асосида “Тактик тайёргарлик”, “Ҳарбий ватанпарварлық асослари” ўқув курслари мазмуни такомиллаштирилган;

талабаларда ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш (коннотатив, эмпирик, тарихий, маданиятшунослик, илмий дунёқараш асосида ҳиссий фонли аспектлар) бўйича “Талабаларда ватанпарварлық даражаси күрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш” номли методика тақлиф этилган, самарадорлик даражаси белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога оид фалсафий, социологик, педагогик ва психологик ёндашувлар ва амалга оширилган усуллар, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотларнинг расмий

манбалардан олинганилиги, аналитик ва экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика фани олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварлик даражаси қўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашга оид янги назарий ёндашув, ғоя, тавсиялар билан бойитилган, ишлаб чиқилган аниқ тавсиялар асосида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, “Чакирикқача ҳарбий таълим” ўкув курси, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, талабаларда ватанпарварлик даражаси қўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашга мўлжалланган ўқув-услубий қўлланмалар, методик тавсияларни жамиятдаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнига мақсадли йўналтиришга ва унинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган. Шунингдек, билдирилган тавсия ва таклифлардан “Ҳарбий тарих”, “Тактик тайёргарлик” ўқув курслари мазмунини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, маънавият ва маърифат бўйича услубчилар, «Ёшлар Иттифоқи» фаоллари талабаларда ватанпарварликни тарбиялашда, шунингдек, педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда ватанпарварлик даражаси қўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш босқичларини ёш даврларига кўра малакавий талаблар (дастлабки тасаввурлар, масъулият, руҳан ва жисмонан тайёрлик, етакчилик, интеллектуал салоҳият, соғлом турмуш тарзи), ватанпарварлик даражасини педагогик таҳлил қилиш функциялари, даҳлдорлик, фидоийлик, мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланишга йўналтирилган тарбиявий ишлар самарадорлигига оид таклифлардан 2014-2015 йилларда бажарилган “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий қадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” номли инновацион лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-99-сон маълумотномаси). Натижада, таълим муассасалари таҳсил олувчилари орасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий қадриятлар негизида шакллантириш орқали талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилган;

ватанпарварлик даражасининг диагностик мезонлари, ёшларнинг фуқаролик эътиқоди ва ҳарбий ватанпарварликка оид тестология қўрсаткичлар таркибини кенгайтириш (тушунчаларнинг шаклланганлиги,

фаолиятли-натижавий элементларини киритиш)га оид таклифлар асосида “Чақириққача ҳарбий таълим” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-99-сон маълумотномаси). Ушбу таълим стандартлари асосида ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш, ўқув натижаларини квалиметрик таҳлил ва мониторингини олиб боришга хизмат қилган;

ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашга оид методик таъминотни такомиллаштириш, диагностик фаолият йўналишлари (тайёрлов, ташкилий, баҳолаш, ахборотлар ишлови ва таҳлили, педагогик консилиумлар) мазмунига оид таклифлар олий таълим муассасаларида “Тактик тайёргарлик”, “Ҳарбий ватанпарварлик асослари” ўқув курсларини ўқитиши самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-99-сон маълумотномаси). Натижада, “Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш” номли методика таълим жараёнига жорий этилиб, ўқитиши сифатини доимий коррекциялаш амалиёти йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 4та халқаро ва 12 та республика анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1та рисола, 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларида 6 та мақола, жумладан 2 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 3 боб, 8 параграф, боблар бўйича хуносалар, умумий хуноса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 136 сахифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи баён этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари дастури билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг “Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-

методологик асослари” деб номланган биринчи бобида “ватанпарварлик” категориясини баҳолаш мазмуни ва моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш принциплари, босқичлари, усуллари, ватанпарвалик категориясини баҳолаш бўйича хорижий давлатларнинг тестология тажрибаси муаллиф томонидан ўрганилган. Шу билан бирга, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири—маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш, ўз Ватанига, элу юртига садоқатли фуқароларни тарбиялаш ижтимоий зарурат сифатида қаралиши мазкур бобда ўз ифодасини топган.

Бобда фалсафа, педагогика, социология соҳаларида ишлатилаётган “ватанпарварлик” категориясининг талқини келтирилган бўлиб, муаллифлик нуқтаи назаридан унга баҳо берилган ваталабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий-методологик асослари акс эттирилган.

“Ватанпарварлик” атамаси бошқа тилларда ҳам ҳудудий боғлиқлик билан бирга, юртига муҳаббат ҳис-туйғусини билдиради. Масалан, рус тилидаги “патриотизм” (юнон тилида: πατριώτης — ҳамюрт, πατρίς — юрт, ота юрт(отечество)— ахлоқий ва сиёсий тушунча, ижтимоий туйғу сифатида англанади. Унинг мазмун-моҳиятида ўз юртини севиш, уни ардоқлаш, зарур бўлганда ўз қизиқишилари ва манфаатларидан кечиб, мамлакат тақдири учун ўзини қурбон қилиш туйғуси ётади.

Қозоқ тилида “ватанпарварлик” категорияси (“отансуйгіш”, “отаншыл”) “ўз халқини севиш”, “юртига меҳрли бўлиш” каби моҳиятни билдиради.² Тожик тилида “ватанпарварлик” сўзи –“дўстдор”, “ватандўст”, яъни ўз мамлакатини севувчи, унга садоқатли инсон сифатида таърифланади³.

Ўзбек халқи доимо ватанпарварлик ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Шу сабабли, адабиётлар таҳлилларида “ватанпарварлик” категориясига турли талқинлар мавжудлиги аниқланди. Барча тавсифларни умумлаштириб, муаллифлик нуқтаи назаридан ушбу категорияга қуидагича таъриф берилди:

Ватанпарварлик – Ватанинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари даҳлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олийжаноб фаолиятни англатадиган, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараённида доимо такомиллашиб, янгича маънамазмун билан бойиб, ривожланиб борадиган тушунча.

Ватан манфаати, қадр-қиммати, тақдири, истиқболи, она юртга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англаша, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади.

²Чудинов А.Н. “Словарь иностранных слов”//М.; “Наука”, 2009.-Б.187.

³ Ўша жой,Б.-188.

Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий маданиятнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлиб боради.

Ҳарбий ватанпарварлик – ижтимоий-педагогик категория бўлиб, ҳар бир фуқаронинг ўз она юрти маданияти, моддий ва маънавий мероси ва кўлга киритган муваффақиятидан ғуурланиш, миллий ифтихор ҳиссидир. Шу юрга, фуқаролигига, анъаналарига, тилига бўлган садоқатлилик ва дахлдорлик туйғусидир. Ўзга миллатлар олдида ўз Ватанинг қадрланишини ва халқининг эъзозланиши учун ҳарбий соҳада намоён этадиган ҳатти-ҳаракат, истак, хошиш. Бинобарин, талабаларда ўз халқига садоқатлилик, унинг истиқболи, манфаати йўлида фидойилик кўрсатиш, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш ва шунга шай туриш каби сифатларни камол топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарори асосида шакллантирилган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепциясида: “...миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш; ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй берадиган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манбаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш; ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш зарур”⁴ эканлиги алоҳида таъкидланади. Шу жиҳатдан олганда, педагогикада “ватанпарварлик” категорияси мамлакатнинг мудофаа қудратини белгилайдиган ва ўсувлан бирликда олинган иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-сиёсий ва ҳарбий потенциалига асосланган тушунча сифатида талқин қилинади. Бинобарин, талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш, баҳолаш, квалиметрик ўлчаш механизmlарини илмий асосда ташкил қилиш, такомиллаштириш, тестология параметрларини аниқлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-педагогик жараёндир.

Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишини самарали омили сифатида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорига асосан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий **принциплари** этиб куйидагилар белгиланган: “илмийлик, тарихийлик, аниқлик ва тезкорлик,

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонкарори асосида шакллантирилган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси -Т.; 2018.www.lex.uz ; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 м., 09/18/140/0816-сон.

мунтазамлилик, фаоллик, таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги, тарбия жараёнининг изчилиги ва бошқалар”⁵.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг келгусида нафақат етук мутахассис, балки ўз она юртини севувчи фаол фуқаро сифатида тайёрлаш, уларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш жамиятимиз, миллатимизнинг ҳар қандай хавф ва таҳдидларга бардош бера олишини таъминлаш демакдир. Бу ишга **таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги, илмийлик ва тарихийлик принциплари** асосида ёндашиш мұхым аҳамият касб этади. Талабаларнинг ижтимоий ҳаёт жабхаларидағи фаоллигини ривожлантириш, ватанпарварлық рухиятида эса, “Бу менинг уйим！”, “Менинг маҳаллам！”, “Менинг она юртим！” қабилида дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, уларнинг ирода сафарбарлигини элу юрт хизматига фидо қилишга ундаш – буларнинг барчаси **тарбия жараёнининг изчилиги принципи** асосида амалға оширилади.

Талабаларда ватанпарварлық фазилатларини ривожлантиришда халқимизнинг Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Тўйчи Эрйигитов, Зебо Фаниева, Жамила Қодирова каби алп ўғлонлари-ю, шижааткор қизларининг мардлиги, жасурлигини ибрат қилиш, халқимизнинг шонли тарихига таянган ҳолда, **тарихийлик ва мунтазамлилик принциплари** асосида маънавий-маърифий ишлар ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлық даражасини ўстириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқатлилик **ҳарбий-ватанпарварлық тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш принципи** асосида олиб борилади. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлық даражасини ривожлантиришда бир қатор педагогик метод, усул, воситаларни қуидагича туркумлаш асосида ҳамда уларга таянган ҳолда тарбиявий жараёнларни ташкил қилиш самарали методик натижаларга олиб келиши мүмкін (1-расм).


1-расмда ифодаланганидек, талабаларда ватанпарварлық даражасини ўстиришга мўлжалланган тарбиявий метод, усул ва воситалар уларда мустаҳкам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Талабаларда ватанпарварлық даражасини ривожлантиришга мўлжалланган **шаклларга эса**: “китобхонлик, илмий-амалий анжуманлар, ҳарбий ўйинлар, ҳарбий саф ва қўшиқ кўриклари, ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган шахслар билан учрашувлар ташкил этади”⁶.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонқарори асосида шакллантирилган “Ёшлиарни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси -Т.; 2018.www.lex.uz ; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 м., 09/18/140/0816-сон.

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонқарори асосида шакллантирилган “Ёшлиарни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” Концепцияси -Т.; 2018.www.lex.uz ; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 м., 09/18/140/0816-сон.

Талабаларда ватанпарварлик даражасини ривожлантиришга мўлжалланган педагогик метод, усул ва воситалар



1-расм. Талабаларда ватанпарварлик даражасини ривожлантиришга мўлжалланган педагогик метод, усул ва воситалар

Мазкур бобда хориж давлатларида ватанпарварлик категориясининг талқин қилиниши, унинг кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлиллари келтирилган.

“Буюк Британияда инглиз миллий характерининг шакланиши, миллий қадриятларга муҳаббат, она заминни ардоқлаш ҳисси, она-юртини эъзозлаш, оиласи ва яқинларига ғамхўр бўлиш сифатлари – инглиз ватанпарварлигининг нишонаси сифатида намоён бўлади”⁷.

Инглиз ёзувчиси Ж. Голсуорси инглиз ватанпарварлигини талқин қилиб, унга баҳо берар экан, шундай ёзади: “...инглиз характерининг энг кўзга кўринган томони – бу унинг ватанпарварлиги”⁸.

Японияда ўшларни боғча давридаги ривожланиш палласидаёқ Ватанга садоқатли қилиб ўстириш масалаларига катта эътибор қаратишади. Шу мақсадда “Япония тарихи” ўқув предмети бўйича дарсликлар қайтадан нашр қилинди (2000-2010 йиллар). 1947 йили Япония иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагандан сўнг «Таълим тўғрисидаги фундаментал Қонун» қабул қилинди. 2002-йилдан эътиборан, Япония ҳукумати томонидан янги ўқув дастурлари, ўқув режалари ва дарсликлар тайёрланиб, уларда “ватанпарварлик” атамаси янги маъно-мазмун касб этувчи атама сифатида

⁷Шильников И. С. “Анализ английского патриотизма в произведениях Ж. Голсуорси”. Монография// -М.; Логос, 2010. –С.38.

Голсуорси Ж..“Патриотизм как черта английского характера// В. Телия.-М.; Педагогика,2011,№4.-С.7-8.

талқин қилинди ва олти йиллик мажбурий таълимнинг асосий мақсади – “болаларда ватанпарварликни шакллантириш”, деб белгиланди.

2003 йили Япония ҳукумати томонидан «Сўз ва ватанпарварлик эркинлиги тўғрисида”ги Фармойиш қабул қилиниб, мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш тизими яратилди. Таълим тизимида таҳсил олувчилар 11 ёшдан эътиборан ватанпарварлиги учун баҳо ола бошладилар ва ушбу баҳолар ўқувчи кундалиги ва фанларни ўзлаштириш табелида ўз аксини топади. Япон ҳукумати 2006 йилнинг декабрь ойида янги таҳрирдаги фармойиш қабул қилди. Унда ўқитувчининг ўзида юксак маънавият, ватанпарварлик хис-туйғуларининг ривожланганлик кўрсаткичлари юқори бўлиши ва бу хис-туйғуларни ўқувчиларда шакллантиришга лаёқатли бўлишлари кўрсатиб ўтилди⁹.

Хитой ва Жанубий Корея мамлакатларида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари ёшларда зарур ҳаётий билим, кўнирма, маҳорат ва мустаҳкам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллар алоҳида аҳамият касб этади.

Япония мактабларида қуий синфлари учун кэндо дарси киритилган бўлиб, унда ўқувчилар фехтования – замонавий қиличбозлик техникаси бўйича сабоқ оладилар. Ушбу дарсларда самурайлар анъаналари, қадриятлари, қилич билан ишлаш техникаси ҳақида маълумот берилиб, амалий машғулотлар ташкил қилинади.

Япон мактабларида ўқувчилар ватанпарварлигини баҳолаш учун тестология методларига мурожаат этилади. Масалан, Тоёнака шаҳрида жойлашган «Моритомо гакуэн» номли мактабда Акиэ Абэ томонидан таклиф этилган, ватанпарварликни баҳолаш тестлари ишлаб чиқилган бўлиб, шу мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлиги тестлар ёрдамида аниқланиб, муайян баллар асосида йил давомида баҳолаб борилади.

Фикримизча, ватанпарварлик кўрсаткичлари даражасини аниқлаш учун қуидаги тестлар самарали натижа беради: 1. Умуминсоний сифатларнинг шаклланганлигини аниқлаш тестлари. 2. Ахлоқий тушунчаларнинг шаклланганлигини аниқлаш тестлари. 3. Ижтимоий ва бошқа сифатларнинг шаклланганлигини аниқлаш тестлари. 4. Шахснинг алоҳида сифатлари (темперамент, ирода, характеристер)ни аниқлаш тестлари.

Ёшларнинг ватанпарварлик даражасини узвий ва тизимли диагностика қилиш кўп жиҳатдан таълимий-тарбиявий фаолиятнинг қўп қирралиги ва шахснинг ижтимоий-индивидуал хусусиятларининг хилма-хиллиги билан тавсифланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари ва методлари” деб номланади. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш мезонлари, талабаларнинг ватанпарварлигини

аниқловчи тестологик методлар *тест*, *солишириши*, қиёсий шкалалаш, *прогноз* ва бошқалардан фойдаланишнинг амалиётдаги ҳолати ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолашда қўйидаги мезонларга таянилади (2-расм):



2-расм. Талабаларда ватанпарварликни шакллантирувчи мезонлар

Талабаларнинг ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини аниқловчи методлар улар фаолиятида аналитик баҳолаш меъёрлари сифатида намоён бўлади.

Талабаларнинг ватанпарварлик кўрсаткичларини аниқловчи (ташхис қилувчи) методлар: *биринчидан*, жамият талабидан келиб чиққан холда, таълим-тарбия натижаларини тўғри аниқлашни таминлаши, кафолатлаши; *иккинчидан*, ўзига хос тарбия йўналиши ва педагогик таъсир ўtkазишни оқилона танлашга ёрдам бериши керак.

Талабаларнинг ватанпарварлик кўрсаткичларини аниқлашда тестология тамоиллари ва методларига мурожаат этиш талаб этилади.


Талабаларнинг ватанпарварлик кўрсаткичларини аниқловчи методлар ўқув-тарбиявий ишларнинг якуний натижалар кўрсаткичларини ҳамда мазкур жараённинг кечиш ҳолатини яққол акс эттириш хусусиятига эга.

Диссертациянинг учинчи боби “**Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш моделини амалиётга татбиқ этиш**” деб номланган бўлиб, унда олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш модели ва механизмлари ўз ифодасини топган. Бобда олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолашда таҳлил, баҳо, башоратлаш ва моделлаштириш тарбиявий жараённи қамраб оловчи унсурлар сифатида иштирок этиши кўрсатилган бўлиб, талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш моделини амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба-синов ишлари тарбия моделларини ишлаб чиқиши асосида ёритилган.

Ишлаб чиқилган модель асосида ОТМ талабаларининг ватанпарварлигини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи **мезонлар такомиллаштирилди**. Талабаларда ватанпарварлик асосан уч босқичда шакллантирилади ва ривожлантирилади: 1) **билиш** — Ватан тўғрисидаги қадриятларни эгаллаш; 2) **эътиқод** — ватанпарварлик қадриятлари тўғрисида олган билимларини эътиқодга айлантириш; 3) **харакат** — бу эътиқодни амалий ишлар орқали намоён этиш. Шу боис, талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашда ёшларнинг ўз она юрти тўғрисидаги қадриятларга эга бўлганлик даражаси, фуқаролик эътиқодининг шаклланганлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда халқаро майдонда илдизлари кенг ёйилган терроризм, кўйпорувчилик, экстремизм, гиёхвандлик кабилар инсоният бошига, хусусан мамлакатимиз халқига, айниқса, ёшларимиз ҳаётига яшаш, ўқиши ва комил инсон бўлиб вояга этишига жиддий хавф туғдирмоқда. Шу жиҳатдан олганда, олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик кўрсаткичини таҳлил қилиш ва баҳолашга мўлжалланган, унинг замирида зарур бўлса коррекция талаб тадбирларни амалга оширишга қаратилган ОТМталабаларининг ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилди (З-расм).

Олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварлик даражасини баҳолашнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий таълим муассасаларида 5111500 – “Чақириққача ҳарбий таълим” факультетида ўқув йилида ўқитиладиган фанлар, фан дастурлари, ўқув режалари таҳлил этилди.



3-расм. Ватанпарварликни баҳолаш

ОТМларда ўқитиладиган “Ҳарбий қонунчилик асослари”, “Офицер ҳарбий раҳбар этикаси”, “Тактик тайёргарлик”, “Ҳарбий тайёргарлик”, “Ҳарбий топография” каби ўқув фанлари ўқитилади. 1 курс талабалари учун жами ўқув режа асосида “Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши”да таҳсил олаётган 1-босқич талабалари учун мутахассисликка хос фанлар 516 соатни, 2 курсда 516 соатни ташкил қиласди. Шундан келиб чиқиб, ОТМ талабаларида ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш моделини амалиётга татбиқ этиш учун: 5111500 – Чакириққача ҳарбий таълим йўналишида 2,3,4,5,6-семестрлар мобайнида ўқитиладиган ва 298 умумий ўқув соатини ташкил қиласидиган “Тактик тайёргарлик” ўқув фанида талабаларга тажрибавий дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар ташкил этилди. Тажрибавий дарслар ўқув режа асосида қуидаги мавзуларда инновацион ва интерфаол методлар воситасида ўтказилди. Дарсларда “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини курилишининг сифат босқичлари”, “Мотоўқчи батальонининг тузилиши, курол-аслача ва жанговар техникалари”, “Эҳтимолий душман пиёда батальонининг тузилиши ва қуролланиши”, “Замонавий умумқўшин жангининг моҳияти, уни ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйилган талаблари” каби мавзулар тадқиқот доирасида ташкил этилди. ОТМ талабаларининг ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини аниқлаш учун қуидаги индикаторлардан фойдаланилди: 1. Ватанга содиқлик, ўз халқининг

кудратли илдизлари билан фахрланиш ҳиссининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражаси; 2.Ўзбекистон халқининг рамзларини эъзозлаш даражаси; 3. Ўз мамлакатининг келажаги ва шахсан ўзига бўлган ишонч ҳиссининг шаклланганлиги; 4. Аждодлар номус-орига чуқур эҳтиром ҳиссининг шаклланганлик даражаси; 5. Инсоннинг шахсий виждонига бурчга ва ўз сўзига содиклик даражаси; 6.Фидоийлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, толерантлик ҳиссининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражаси; 7. Мафкуравий иммунитет, миллий ифтихор, ўзликни англаш туйфуларининг шаклланганлик даражаси; 8.Жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллик; 9.Адолатпарварлик, инсонпарварлик, юрт тақдирига даҳлдорлик ҳиссининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражаси ва бошқалар (Диссертациянинг 3.1-қисмида батафсил 32 та индикатор келтирилиб, улар ҳақида маълумот берилган).

Юқоридаги индикаторлар асосида олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолашга муваффақ бўлинди. Ҳар бир индикатор муайян методикалар асосида муайян балларни ташкил этди. Масалан, “Ватанга содиклик, ўз халқининг қудратли илдизлари билан фахрланиш ҳиссининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражаси” индикатори асосида талабалар ватанпарварлигини баҳолаш учун тест саволлари тузилди ва улар муайян балл билан тақсимланди.

Дарсдан ташқари ташкил этилган машғулотларда “Взвод радиоалоқа тармоғи”, “Бўлинмаларни турли жанг турларида (жанговар ҳаракатлар) бошқариш”, “Душман пиёда ротасининг ташкилий штат тузилиши, унинг жанговар имкониятлари ва кучайтирилган воситалари”, “Мудофаа жангининг моҳияти ва унинг хусусиятлари”, “Турли шароитларда жанговар (танк) гурухни мудофаа жангини олиб бориши ва хусусиятлари”, “Замонавий хужум жангининг моҳияти ва хусусиятлари” мавзулари танлаб олинди.

5111500 – “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналишида таҳсил олаётган талабаларга “Ҳарбий тарих” ўқув фани уларни ҳарбий раҳбар мутахассислиги бўйича тайёрлашда буюк саркардалар Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа ҳарбий намоёндаларнинг урушлари тарихи, уруш стратегияси ва тактикаси ҳақида маълумотлар бериш, бўлажак Ватан ҳимоячиси бўлган ёшларга Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизмат бўйича билим, кўнкима ва малакани шакллантиришга хизмат қиласи.

Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш моделини амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба-синовларнинг мақсади “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналишида таҳсил олаётган талабаларда ватанпарварлик кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали таълим сифати самарадорлигини таъминлаш, ва математик статистика методлари воситасида баҳолашдан иборат бўлди.

Тажриба-синови даврида (2016-2019 й.й.) ОТМ ўқув жараёнига киритилган асосий ўзгартариши – “Чақириққача ҳарбий таълим” таълим йўналиши талабалари учун ишлаб чиқилган уларнинг ватанпарварлик даражасини баҳолаш индикаторлари бўйича аудитория ва аудиториядан

ташқари машғулотлар мазмуни, дидактик методлар, материаллар ва воситаларнинг танланиши билан изоҳланади.

Назорат ва тажриба гурухларида таълим самарадорлигини ягона мезон асосида баҳоланишини таъминлаш мақсадида ўқув режасининг ўқув фанлари бўйича уларга ажратилган дарс соатларига мос нисбатларда шакллантирилган ва 50 та саволлардан иборат 4 варианти тестлардан фойдаланилди. Масалан, 2 курс талабалари учун “Замонавий армия ривожланиши назарияси ва амалиёти” фани бўйича “Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва ҳарбий санъати” мавзусидаги маъruzza учун тайёрланган тест вариантилари мазмунига Амир Темур ўзбек давлатчилигига асос солган шахс, XIII-XIV асрнинг буюк саркардаси эканлиги, Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати каби билимлар сингдирилди. Мазкур ўқув фанида “Янги ва энг янги даврлардаги урушлар” мавзусида талабалар янги ва энг янги даврлардаги урушлар, фуқаролар уруши ва иккинчи жаҳон уруши оралифида куролли кучлар тузилмаси хусусиятлари ҳақида билимларга эга бўлдилар. Маъruzza машғулотлари мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда академик гурухлар оқими учун ўтказилди.

Талабаларда ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари таҳлиллари аниқланган ҳолат ва чиқарилган хulosаларнинг тасодифий эмаслиги, амалга оширилган тажрибавий технологияларнинг таълим самарадорлигини ошишига олиб келганини ишонч билан тасдиқлаш учун математик статистика методларига мурожаат қилинди.

